

Таъзия



09:51 / 19.12.2019 1845

«Hilol» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси 2019 йил 18 декабрь куни Тошкент метрополитени Юнусобод йўлининг янги қисмида ер ўпирилиши оқибатида юзага келган бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло қурбонларнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумларнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз. Парвардигоримиз қурбонларни Ўзининг раҳмати ва мағфиратига буркасин, ортларида қолган аҳли байти ва фарзандларига сабру салвон берсин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

***Islom.uz* портали таҳририяти**